

# ШУКРОНАЛИККА ДАЪВАТ ЕТИЛДИ



11 январь 2023 йилда Олтинсой туман 9 умумий ўрта таълим мактабида Гулобод маҳалласидаги кекса отахонлар ёшлар ҳамда мактабнинг 10-11 синф ўқувчилари билан биргаликда 100 дан ортиқ фуқаролар билан “Уч авлод учрашуви” ва 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни”га бағишлаб тадбир ўтказилди. Тадбирни туман кенгаши депутати, тарих ўқитувчиси Х Исматуллаев бошлаб берди. Тадбирда вилоят кенгаши депутати Ашир Орипов “Нуронийлар жамғармаси” раиси Ҳакимхон Юсупов, Маънавият ва маърифат кенгаши туман бўлинмаси бошлиғи Рустам Ёдгоровлар иштирок этишди. Туманимизда ва вилоятимизда эришилган ютуғлари халқимизни адабиёт, санъат, кино, театр ҳамда музейларга қатнашиши ҳамда китобхонликка берилиши ва Ватанимизни тинчлигини сақлашда бефарқ қарамаслигини таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги ҳаётда меҳру оқибатли бўлиш ва шукроналикга даъват етилди.